

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАМАНАЗАРОВ АБДУСАМАТ АБДУСАИТОВИЧ**

**МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Маманазаров Абдусамат Абдусайтович**

Миллий бойлик таркибий қисмларини диверсификациялашнинг назарий асослари..... 3

**Маманазаров Абдусамат Абдусайтович**

Теоретические основы диверсификации компонентов национального богатства..... 27

**Mamanazarov Abdusamat Abdusaitovich**

Theoretical foundations of the diversification of the components of national wealth..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАМАНАЗАРОВ АБДУСАМАТ АБДУСАИТОВИЧ**

**МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt861-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва “Ziynet” ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джураев Тошболта Тухтаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тухлиев Нурилом**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маматов Ахметжон Атажанович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 28 январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 89 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24, 246-02-24; факс: (99871) 246-90-80, e-mail: rector@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил 13 январь куни тарқатилди.

(2022 йил 13 январдаги 16-рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қ.Қ. Мамбетжанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**А.В. Вахабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Жаҳон мамлакатларида охириги йилларда миллий бойлик таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги нисбатни аниқлашга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, унинг дунёдаги рейтинги, салоҳияти ва куч-қудратини яққол намоён этади. Охириги йигирма йилликда жаҳон миллий бойлиги таркибида Шимолий Америка (33 фоиз), Европа (25 фоиз) ва Осиё-Тинч океани (18 фоиз) минтақаларининг улуши<sup>1</sup> сезиларли даражада ошди. Шунингдек, Европа мамлакатлари миллий бойлиги таркибида инсон капитали улуши ўша даврда 39 фоиздан 70 фоизгача ошган бўлса, МДХ мамлакатларида мазкур кўрсаткич ўртача 41 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>. Ушбу тенденция охириги йилларда ривожланган мамлакатларда жами инвестицияларнинг 70 фоизи инсон капиталига, қолган 30 фоизи эса, бошқа соҳаларга сарфланганлиги<sup>3</sup> ва бунда давлат асосий роль ўйнаганлиги билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, ривожланаётган мамлакатларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисодийдаги номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда миллий бойлик ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, хусусан, такрор ҳосил қилинадиган моддий ресурслар, номоддий активлар ва инсон капитали салоҳияти ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар давом этмоқда. Жумладан, миллий бойлик таркибида интеллектуал неъматлар улушини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш, бойликни самарали тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиш, бойлик ва даромад яратадиган фаолият турларини муайян мезонлар бўйича аниқ йўналишларга ажратиш, миллий бойлик ҳажми ва ўсиш суръатларини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва шу каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шундай бўлсада, ҳозирги глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви билан бирга, бутун дунёда авж олаётган Covid-19 пандемияси миллий бойлик таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, уни диверсификациялаш ва ҳар бир унсурдан самарали фойдаланиш масаласини энг асосий муаммолардан бирига айлантирмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда катта ислохотлар олиб борилганлигига қарамаздан, мамлакатнинг табиий, иқтисодий, интеллектуал салоҳиятидан норационал фойдаланиш, уларнинг самарасиз тақсимланиши билан бирга Covid-19 пандемиясининг тарқалиши республикада ишлаб чиқариш суръатларини кескин пасайтириб юборди. Шунинг учун мамлакатда «...ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини

<sup>1</sup> [https://ru.qaz.wiki/wiki/List\\_of\\_countries\\_by\\_total\\_wealth](https://ru.qaz.wiki/wiki/List_of_countries_by_total_wealth)

<sup>2</sup> <http://documents1.worldbank.org/curated/ru/402431575351416107/pdf/How-Wealthy-is-Russia-Measuring-Russias-Comprehensive-Wealth-from-2000-2017.pdf>

<sup>3</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Национальное\\_богатство](https://ru.wikipedia.org/wiki/Национальное_богатство); <https://www.imf.org/external/pubs/ft/ar/2019/eng/assets/pdf/imf-annual-report-2019-ru.pdf> - Годовой отчет МВФ 2019

таъминлаш»<sup>4</sup>, хусусан «...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2,5 баравар кўпайтириш»<sup>5</sup> ва бунда асосий миллий бойлигимиз бўлган «...инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт»<sup>6</sup>. Бу эса, миллий бойлик таркибини диверсификациялаш ва унда асосий эътиборни инсон капиталига қаратиш масаласини ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида», 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 720-сон «Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон «Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 октябрдаги 820-сон «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 17 январдаги 31-сон «Ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва мониторингини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий бойликнинг шаклланиш манбалари, унинг таркибий қисмлари ва тақсимланиш жараёнларининг назарий-услубий жиҳатлари классик мактаб намоёндалари билан бирга ҳозирги кунгача бошқа узоқ хориж олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган<sup>7</sup>. Жумладан,

<sup>4</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. [http://strategy.gov.uz/uz/pages/action\\_strategy](http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy).

<sup>5</sup> Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. «O'zbekiston» нашриёти. –Тошкент. 2021. 148-бет.

<sup>6</sup> Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. «O'zbekiston» нашриёти. –Тошкент. 2021. 224-бет.

<sup>7</sup> Плотников И.С. Меркантилизм. Ленинградское отделение издательства социально-экономической литературы. 1935. -С. 334; Уильям Петти «Трактат о налогах и сборах». <http://ek-lit.narod.ru/pettsod.htm>; Сперанская Л. Н. Экономические взгляды П. Буагильбера // Всемирная история экономической мысли: В 6 томах // Гл. ред. В. Н. Черковец. -М.: Мысль, 1987. - Т. I.; Кенэ, Тюрго, Дюпон: Физиократы. Избранные экономические произведения. – М.: ЭКСМО. 2018. – С. 138.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо. 2016. – С. 87.; Давид Рикардо. "Начала политической экономии и налогового обложения" <http://ek-lit.narod.ru/ricsod.htm>; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер.с англ.

миллий бойлик шаклланишининг соҳа ва тармоқлари Т.Манн, А.Монкретъен, У.Петти, П.Буагильбер, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик Ф.Кенэ, А.Тюрго, Дюпон де Немур, халқлар бойлиги яратилишининг ўзига ҳос табиати, сабаб ва оқибатлари А.Смит, Д.Рикардо, миллий бойлик ҳажмини ҳисоблаш ва уни кўпайтириш йўллари Ж.Кейнс, С.Кузнец, П.Студенский, миллий бойлик таркибида инсон капиталининг ўрни ва роли Д.Майлс, А.Скот, А.Кунте, А.Голдсмит ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакат миллий бойлигидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари МДХ мамлакатларидаги қатор олимларнинг изланишларида маълум даражада тадқиқ этилган<sup>8</sup>. Жумладан, россиялик олимлар А.Вайнштейн, С.Струмилин, С.Фалькнер ва бошқ. миллий бойлик унсурларини аниқлаш, М.Эйдельман, Е.Бухвальд, Н.Костяшкина, Т.Рябушкинлар унинг ҳажмини баҳолаш, В.Леонтьев, Ю.Иванов, Г.Кулагина, В.Зайцев, Е.Лавров, Е.Капогузовлар уни халқаро таққослаш, қозоғистонлик олимлар Т.Ашимбаев, С.Байзаков, У.Баймуратов, А.Кошанов **кабилар** миллий бойликни унинг шаклланиш манбаларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш, қирғизистонлик олимлар Т.Камчибеков, А.Кадиралиев, К.Атишов миллий бойлик ҳажми ва ўсиш суръатлари асосида МДХ мамлакатлари рейтингини аниқлаш, тожикистонлик Н.Қаюмов, С.Комилов, Т.Назаров **каби**

---

- М.: Гелиос АРВ. 1999. -С. 352.; Кузнец Саймон Национальный доход и его структура. // <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>; П.Студенский.В Доход наций. - М. Статистика. 1969. -С. 280.; Miles D., Scott A. Macroeconomics: understanding the Wealth of Nations. 2001. -704 p.; Kunte A. and others «Estimating National Wealth: Methodology and Results». The World Bank, 1998.; Goldsmit R.A. A perpetual inventory in national wealth // Studies in income and wealth. N.Y.National bureau of econ. research. 1951. Vol. 14

<sup>8</sup> Вайнштейн А.Л. Народное богатство и народнохозяйственное накопление предреволюционной России (статистическое исследование). -М.: Госстатиздат ЦСУ СССР, 1960. -С. 40.; Струмилин С.Г. Богатство и труд: популярно-научный очерк. - М.: Социалист, 1932. - 88 с.; Мировое хозяйство за время с 1913 по 1921 г. // под ред. проф. С.А.Фалькнера. -М.: Изд-во Центросоюза. 1922 г.; Экономическая статистика. Учебник. // под. ред. проф. Фреймундта Е.И. и проф. Эйдельмана М.Р. -М.: Статистика. 1976. -С. 92.; Рябушкин Т. В., Симчера В. М. Очерки международной статистики (методология и организация). -М.: Изд-во «Наука», 1981. -С. 416.; К вопросам теории и методологии национального богатства (проблемы НБ в трудах В.Н.Богачева) // под. ред. Е.М.Бухвальда, Н.А.Костяшкина. -М.: 1995. -С. 263.; Нестеров Л. Новые подходы к оценке национального богатства // Вопросы статистики. 1998. №8. -с. 3-8.; Иванов Ю.Н Основы национального счетоводства. - М.: Финансы и Статистика. 2006. -С.158.; Леонтьев В. Экономические эссе. - М.: Политиздат. 1990. -С. 415.; Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. -М.: Финстатинформ. 1998. - 636 с.; Лавров Е., Капогузов Е. Экономический рост: теории и проблемы. -Омск: Изд-во ОмГУ. 2006. - 168 с.; Зайцев В.К. Система национальных счётов и государственное программирование в Японии. -М.: Наука. 1984. - 266 с.; Ашимбаев Т.А. Экономика Казахстана: свершения, перспективы. Монография. “TENGRİ”. -Алма-Ата. 1982. -120 с.; Байзаков С.Б. Экономическая оценка лесных ресурсов. Монография. “Naira”. -Алма-Ата. 1981. -192 с.; Баймуратов У.Б. Национальная экономическая система Казахстана: первое десятилетие реформирования и развития (второе дополненное издание). Монография. “Orbital”. -Астана. 2018. -271 с.; Кошанов А.К. Формирование государственного предпринимательства в Республике Казахстан в условиях смешанной экономики. Монография. “Ipek jolı”. -Астана. 2000. -194 с.; Камчыбеков Т.К., Асаналиева С.А, Байжанова Г.К. Место и роль нематериальных активов в экономике Кыргызстана // Проблемы экономики. №1. 2001. 62-74 стр.; Кадыралиев А.Т., Токтосунова Ч.Т., Необходимость перехода к «зеленой» экономике в Кыргызской Республике // Современные технологии: актуальные вопросы, достижения и инновации. Сборник статей XXVI Международной научно-практической конференции. Издательство: Наука и Просвещение (ИП Гуляев Г.Ю.) (Пенза). 2019. 77-80 стр.; Атышов К. Природно-рекреационные ресурсы Кыргызстана и проблемы их рационального использования. Монография. “Дордой”. -Бишкек, 2013.; Қаюмов Н.К. Экономика Таджикистана в переходном периоде. Монография. «Собириён». -Душанбе. 1997. -138 с.; Комилов С.Д. Теория инновационного развития. Монография. «Шарки озоd». -Душанбе. 2019. -264 с.; Назаров Т. Экономическая реформа, сотрудничество и безопасность. Вестник ТГУ ПБП. -Худжанд. 2013. - №3 (47). -с. 82-90.

олимлар иқтисодий аҳамиятга эга бўлган табиий бойликларни ҳисоблаш бўйича илмий изланишлар олиб **борган**.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан миллий бойликнинг иқтисодий мазмуни, таркибий қисмлари, тақсимланиш тамойиллари ва ундан самарали фойдаланишнинг умумий жиҳатлари муайян даражада ўрганилган ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда<sup>9</sup>. Жумладан, миллий бойликнинг иқтисодий мазмуни ва таркибий қисмларининг умумназарий жиҳатлари Х.Ҳакимов, М.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, Ш.Шодмонов, У.Ғофуров, Т.Жўраев, Н.Тўхлиев, миллий бойлик ҳажмини турли хил усуллар бўйича ҳисоблаш С.Чепель, А.Вахабов, Г.Разикова, А.Маматов, С.Абдуллаев, Э.Аманов, миллий бойликни МХТ тамойиллари асосида халқаро таққослаш муаммолари Р.Алимов, Б.Ғойибназаров, Ё.Абдуллаев, А.Набихўжаев, Б.Махмудов, Т.Шодиев, У.Мадрахимов, Қ.Мамбетжановларнинг тадқиқот ишларида баён этилган.

Бироқ амалга оширилган тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишлар жуда умумий аҳамиятга эга бўлиб, уларда асосан, “миллий бойлик” тушунчаси, шаклланиш манбалари, таркибий қисмлари, унинг ҳажми ва ўсиш суръатларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш каби масалаларга эътибор қаратилган бўлиб, миллий бойликни тадқиқ қилишда унинг икки томонлама хусусиятини ҳисобга олиш, таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, унинг ҳар бир унсуридан самарали фойдаланиш, уни ҳисоблашнинг назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари иккинчи даражали муаммо сифатида қолиб кетган. Мазкур ҳолат муаммонинг долзарблик даражаси янада ошириб, ушбу мавзунини танлаш учун асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни

---

<sup>9</sup> Ҳакимов Х. Миллий бойлик ва унинг ҳажмини ошириш йўллари // // Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Т.: ЎзМУ, 1994. -36 б.; Шодмонов Ш.Ш., Раҳматов М.А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: «Фан ва технология». 2020. - 784 б.; Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия. 2018. -624 б.; Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. Монография. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2012. - 180 б.; Чепель С.В. Экономический рост за годы независимости: факторы, проблемы и перспективы // Экономические обозрение. 2003. №6. - 39 с.; Вахабов А. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. - Т.: 6/2011. - Б. 38-42.; Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: УзМУ. 2002. - 67 б.; Абдуллаев С.А. Миллий маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ТМИ. 2018. - 67 б.; Аманов Э.Э. Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари. // иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: ТДИУ, 2005. - 54 б.; Алимов Р.А. Методологические проблемы построения системы национальных счетов Республики Узбекистан: автореферат диссертации на соис. учен. степ. док. экон. наук // ТашГУ . -Т.: 1993. - 52 б.; Ғойибназаров Б. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.:, ТДИУ, 2006. - 65 б.; Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. -Т.: 2011, №1.; Мадрахимов У.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор ўсиш сифатини ошириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: ТДИУ, 2017. -69 б.; Мамбетжанов Қ.Қ. Миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усулларининг назарий асосларини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: ЎзМУ, 2019. -67 б.



таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозилашнинг илмий-методик асослари ва усуллари такомиллаштириш” (2017-2021 й.й.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий бойлик таркибий қисмларини диверсификациялаш ва улардан мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда самарали фойдаланишга қаратилган илмий-назарий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий бойлик шаклланиш соҳаларини аниқлашга қаратилган турли хил илмий-назарий қарашларни танқидий таҳлил қилиш;

миллий бойлик ҳажми ва ўсиш суръатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ўрганиш;

миллий бойлик таркибий қисмларининг таснифланиш тамойилларини тадқиқ қилиш;

республикада миллий бойликнинг капитал таркиби ва унинг ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда табиий ресурслар захираларидаги ўзгаришлар ва миллий бойлик ҳажми ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликни аниқлаш;

мамлакат миллий бойлиги ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишда инсон капиталидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш;

миллий бойлик таркибини диверсификациялаш механизмлари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** республикада мавжуд бўлган ва яратилаётган моддий ҳамда номоддий неъматлар, табиий ва инсон ресурслари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** мамлакатда миллий бойликни яратиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқоти жараёнида диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш, ARDL, Dickey-Fuller, SEM, SEM-Path, Latent (LCA) моделлари асосидаги таҳлил усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий бойликни тадқиқ қилиш ва унга таъриф беришда муаммога икки томонлама, яъни, ижтимоий қиймат ва нафлилик жиҳатдан ёндашишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги асосланган;

миллий бойликнинг табиий ресурслар қисмидан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш усули ҳақиқатда ўзлаштирилган ( $TRQ_{hu}$ ) ва умумий захираси аниқланган ресурслар ( $TRQ_c$ ) ўртасидаги нисбатни ифодаловчи “Самарадорлик индекси”ни қўллаш орқали такомиллаштирилган;

миллий бойликнинг номолиявий активлар таркибини иқтисодиётнинг энг асосий субъектларидан бири бўлган уй хўжалиги секторида харид қилинган узоқ муддат истеъмол қилинадиган мол-мулк қийматининг жорий йилда истеъмол қилинган қисмини киритиш орқали диверсификациялаш асосланган;

миллий бойлик таркибидаги табиий ресурслар қийматини дисконтлаш орқали табиий-ресурс комплекси (ТРК), унинг ялпи ички маҳсулот, экспорт ва умумий бандликдаги улушини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий бойлик ҳажми ва таркибий қисмларини баҳолаш бўйича янгича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

мамлакат миллий бойлиги таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

асосий капитал ва уй хўжалиги секторидаги мол-мулк қийматини уларнинг эскириш суммаси чиқариб ташлаб, қайта тикланиш қиймати бўйича, айланма капитални эса, тўлиқ қайта тикланиш қиймати бўйича баҳолаш орқали миллий бойликнинг капитал таркибини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

миллий бойлик унсурларидан бири бўлган табиий ресурсларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини аниқлашда табиий-ресурс комплекси (ТРК)нинг ЯИМ, экспорт ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улушини ифодаловчи индикаторларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилган;

давлатнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини қатъийлаштириш асосида бойликнинг яширин турларини излаб топиш ва улар ҳажмини расман қайд этиш орқали миллий бойлик таркибини диверсификациялаш таклифи асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хулоса ва таклифлардан келажакда мамлакат миллий бойлигини тадқиқ қилишга қаратилган махсус мустақил илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг жорий қилиниши республикада яратилган моддий ва номоддий неъматлар, табиий ва инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида мамлакатда моддий, номоддий, табиий ва ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда уларни самарали тақсимлашга мўлжалланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасида миллий бойлик таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги мутаносибликни аниқлаш услубиятини такомиллаштириш билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт», «Статистика», «Миллий ҳисоблар тизими»

фанлари бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миллий бойлик таркибий қисмларини диверсификациялаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

миллий бойлик категориясига ижтимоий қиймат ва ижтимоий нафлилик нуқтаи-назаридан ёндашиш орқали берилган муаллифлик таърифи «Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт» номли ўқув қўлланмага киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-118 рақамли **гувоҳномаси**). Ушбу янгиликдан ўқув қўлланмада фойдаланиш қиймат қонуни нафақат товар ва хизматлар, моддий, номоддий ва интеллектуал бойликлар, балки шу билан бирга, бевосита мамлакат миллий бойлигига ҳам **тегишли эканлиги**, унинг ҳам ижтимоий қиймати ҳамда ижтимоий нафлилиги мавжудлигини илмий асослашга хизмат қилди;

ҳақиқатда ўзлаштирилган ( $TRQ_{hu}$ ) ва умумий захираси аниқланган ресурслар ( $TRQ_z$ ) ўртасидаги нисбатни ифодаловчи “Самарадорлик индекси”ни қўллаш орқали такомиллаштирилган миллий бойликнинг табиий ресурслар қисмидан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш усулидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 12 майдаги 01/1-03-17/2-38-сон маълумотномаси) мамлакатда мавжуд бўлган табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлаш жараёнида амалиётга татбиқ қилинган. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида мамлакатда табиий ресурслар захираларининг ўзгариши, улардан фойдаланиш жараёнлари ва унинг самарадорлигини ҳисоблаш методологияси такомиллаштирилган.

миллий бойликнинг номолиявий активлар таркибини иқтисодиётнинг энг асосий субъектларидан бири бўлган уй хўжалиги секторида ҳарид қилинган узоқ муддат истеъмол қилинадиган мол-мулк қийматининг жорий йилда истеъмол қилинган қисмини киритиш орқали диверсификациялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 12 майдаги 01/1-03-17/2-38-сон маълумотномаси) мамлакатда аҳоли томонидан жамғарилган мол-мулк қийматини ҳисоблаш жараёнида амалиётга татбиқ қилинган. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида мамлакатда уй хўжалиги секторида узоқ муддат хизмат қиладиган товарларнинг истеъмол даражасини аниқроқ ҳисоблашга, бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида асосий воситаларнинг ҳақиқий эскирганлик даражасини аниқлашга, асосий капитал истеъмолини «узлуксиз инвентаризация усули» бўйича ҳисоблашга эришилган;

миллий бойлик таркибидаги табиий ресурслар қийматини дисконтлаш орқали ишлаб чиқилган табиий-ресурс комплекси (ТРК), унинг ялпи ички маҳсулот, экспорт ва умумий бандликдаги улушини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 13 июлдаги 03/14-01-6/10-2874-сон маълумотномаси) миллий бойлик унсурларидан бири бўлган табиий ресурсларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини аниқлашда фойдаланилган.

Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада мавжуд бўлган барча турдаги табиий ресурслар даражасидаги ўзгаришларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини аниқроқ ҳисоблашга эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миллий бойлик таркибий қисмлари шаклланишининг концептуал асослари**» деб номланган биринчи бобида миллий бойликнинг шаклланиши тўғрисидаги турли хил назария ва концепциялар, миллий бойликнинг таркибий қисмлари, ҳажми ва ўсиш суръатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими баён қилинган. Шунингдек, мазкур категорияга муаллифлик таърифи берилган ҳамда унинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлашни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Миллий бойлик, унинг таркибий тузилиши, жамғарилиш ва тақсимланиш қонуниятлари ҳақидаги концепцияларнинг шаклланиши иқтисодиёт соҳасида турли хил мактаблар ривожланишининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам турли давр ва маконда миллий бойлик тўғрисидаги турлича қарашлар натижасида янги-янги назария ва концепциялар шаклланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Миллий бойлик тўғрисидаги концепциялар эволюцияси<sup>10</sup>**

Босқичлар	Концепциялар	Асосий ғоя	Натижа	Камчиликлар
1-босқич XVI аср	Меркантилизм концепцияси (Т.Манн ва	Мамлакат мил- лий бойлигини кўпайтириш	Дастлабки жамға- ришга имкон яратил- ди ва товар-пул муо-	МБ ҳажмини аниқлашга эътибор

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

	бошқалар)		маласи ривожланди.	берилмади
<b>2-босқич</b> XVII асрнинг охирлари	Кенгайтирил- ган ишлаб чи- қариш концеп- цияси (У. Пет- ти, Г.Кинг)	Миллий бой- лик ҳажмини аниқлаш орқа- ли солиқ сиёса- тини юритиш	Солиқ миқдорини белгилаш ва истиқ- болда унинг тушу- мини аниқлаш имко- ни яратилди.	Миллий бой- лик ҳажмини аниқлаш тизи- ми тўлиқ шакл- ланмади.
<b>3-босқич</b> XVIII аср	Физиократлар концепцияси (Ф.Кенэ, П. Буагильбер)	Миллий бой- лик яратилиш соҳаси ва унинг тақсимлашини тартибга солиш	Миллий бойликнинг капитал таркибини ҳисоблашга асос бўлган «Иқтисодий жадвал» яратилди.	МБ яратилиши- да фақат киш- лоқ хўжалиги тармоғи тан олинди.
<b>4-босқич</b> XVIII-XIX асрлар	Чекланган мод- дий ишлаб чи- қариш концеп- цияси (А.Смит, Д.Рикардо)	Миллий бой- ликнинг ярати- лиш соҳалари- ни кенгайти- риш	Охирги юз йилликда жаҳонда миллий бойлик ҳажмини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат килди.	МБ яратилиши- да фақат модий ишлаб чиқа- риш соҳаси тан олинди.
<b>5-босқич</b> XIX асрнинг ўрталари	Чекланган бо- зор иқтисоди- ёти концепция- си (Калец-ким, Ландау, Мо- толчи, Варго)	2 ва 4-босқич- даги концеп- цияларини уй- ғунлаштирган ҳолда ягона модель яратиш.	Миллий бойлик ҳажмини кўпайти- ришда хизмат кўрса- тиш соҳаларининг айрим турлари хи- собга олинди.	МБ таркиби нобозор хиз- матлари ҳисоб- га олинмаслиги эвазига бузиб кўрсатилди.
<b>6-босқич</b> XIX аср охирлари	Кейнсчиик концепцияси (Ж.Кейнс, С.Кузнец)	Миллий бой- лик ҳажми ва таркибини хи- соблаш усул- ларини тако- миллаштириш.	Миллий даромад, миллий бойлик ва миллий маҳсулот ка- тегориялари фарк- ланди.	Кўрсаткичлар- ни ҳисоблаш услугияти тур- ли хил давлат- ларда турлича бўлди.

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, миллий бойлик концепцияси бир неча йиллардан буён шаклланиб, такомиллашиб келмоқда. Шунга қарамай, “миллий бойлик” тушунчасининг назарий мазмуни ва унинг илмий асосланиши узоқ вақт давомида мунозарали бўлиб қолмоқда.

Мазкур тадқиқот иши натижалари ҳозирги кунгача “миллий бойлик” тушунчасини ёритишга ҳаракат қилган олимлар ва халқаро ташкилотлар асосий эътиборни унинг фақат қиймат томонига қаратишганлигини кўрсатди. Ваҳоланки, ҳар қандай товар ёки хизматнинг иккита, яъни қиймат ва нафлилик **хусусияти** мавжуд. Ушбу қонуният нафақат жорий даврда яратилган товар ва хизматлар, моддий, номоддий ва интеллектуал бойликлар, балки шу билан бирга, бевосита мамлакат миллий бойлигига ҳам тегишлидир.

Шу сабабли муаллиф фикрича, миллий бойлик бу – мамлакатда мавжуд бўлган ва жорий даврда яратилаётган, ижтимоий қиймат ҳамда ижтимоий нафлилик хусусиятларига эга бўлган барча моддий, номоддий, молиявий, табиий, интеллектуал бойликлар ва инсон капитали йиғиндисидир.

Ушбу таърифнинг бошқалардан фарқи шундаки, **унда** бошқа илмий тадқиқотларда эътибор қаратилмаган “ижтимоий қиймат” ва “ижтимоий нафлилик” категориялари қўлланган. Миллий бойлик муайян мамлакатга тегишли бўлганлиги сабабли у ўзида ижтимоий нафлиликни мужассамлаштирган бўлиши шарт. Акс ҳолда у бойлик сифатидаги аҳамиятини йўқотади.

Миллий бойлик категориясини тадқиқ қилишда унинг таркибий қисмларини таснифлаш алоҳида илмий-услубий аҳамиятга эга. Иқтисодчи олимлар миллий бойликнинг таркибий қисмларини гуруҳлаш ва таснифлашда қуйидаги белгиларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди (1-расм).



1-расм. Миллий бойлик унсурларининг гуруҳланиши<sup>11</sup>

Муаллиф фикрича, юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий бойлик унсурларини ихчамлаштирган ҳолда қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

- географик белгилар бўйича (ҳудудлар **ва минтақалар** даражасида);
- шаклланиш даражалари бўйича (микро, мезо ва макро даражалар);
- ишлаб чиқариш жараёни босқичлари ва турлари бўйича (такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва ролидан келиб чиққан ҳолда).

Миллий бойликни уни ташкил қилувчи барча унсурлари бўйича миқдорий аниқлаш анча мураккаб, чунки унинг таркибидаги маънавий, маданий, тарихий бойликларни ҳисоблаш кўпроқ субъектив характерга эга бўлса, табиий ресурслар қиймат ўлчовига эга эмас. Шу сабабли расмий статистик ҳисоб-китобларда миллий бойлик сифатида унинг қийматга эга бўлган қисми тасаввур қилинади.

1997 йилда БМТ Тараққиёт дастури (ПРООН) мутахассислари томонидан 175 та мамлакат учун аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўртача қиймати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, инсон тараққиёти индекси, ЯИМ ва миллий бойлик ўртасидаги ўртача нисбатни ҳисоблаб чиқиш орқали, жаҳон мамлакатлари жами миллий бойлигининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача қиймати тахминан 90 минг долл. атрофида баҳоланган. Бу, ўз навбатида, жаҳон миллий бойлигининг умумий миқдорини қарийб 550 триллион долл. миқдорида баҳолашга имкон беради. Ушбу миқдорнинг қарийб ярми “Катта еттилик” ва ЕИ давлатлари ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

<sup>11</sup> Особенности производства национального богатства в начале XXI века. // Отв. ред. Нестеров Л. Институт экономики. –М.: Наука, 2006. -с. 12-13

XXI аср бошида жаҳон мамлакатлари миллий бойлиги<sup>12</sup>

Мамлакатлар	Миллий бойлик		Жамига нисбатан капитал турлари бўйича трлн. долл		
	Жами, трлн. долл	Аҳоли жон бошига нисбатан минг долл.	Инсон капитали	Табиий ресурслар	Ишлаб чиқариладиган ресурслар
G-7 ва ЕИ давлатлари	275	360	215	10	50
ОПЕК давлатлари	95	195	45	35	15
МДХ давлатлари	80	275	40	30	10
Бошқа давлатлар	100	30	65	15	20
Жаҳон бўйича, жами	550	90	365	90	95
<i>Жаҳон бўйича жамига нисбатан, фоизда</i>					
G-7 ва ЕИ давлатлари	50	400	59	11	52
ОПЕК давлатлари	17	217	12	39	16
МДХ давлатлари	15	306	11	33	11
Бошқа давлатлар	18	33	18	17	21
Жаҳон бўйича, жами	100	100	100	100	100

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, жаҳон миллий бойлигининг ярми ОПЕК мамлакатлари (95 трлн. долл.), МДХ (80 трлн. долл.) ва бошқа мамлакатлар (100 трлн. долл.) ўртасида тақсимланган. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, муаллифлар барча макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолашда тадқиқот объектига киритилган мамлакатларнинг ривожланиш ва нархлар даражасини шартли равишда бир хил, деб қабул қилишган. Шунинг учун бир қатор мамлакатлар, жумладан, МДХ давлатлари учун ҳисобланган кўрсаткичлар қиймати ички нархларда АҚШ долларида ҳисобланган реал кўрсаткични эмас, балки миллий бойлик таркибий қисмининг қамров даражаси ва имкониятларини кўрсатган.

Муаллиф тадқиқотлари МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий бойлик кўрсаткичини ҳисоблашнинг ҳозирда мавжуд услубияти бир қатор камчиликларга эга эканини кўрсатди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. МДХ мамлакатларида миллий бойликни ҳисоблашда МХТ тамойиллари бўйича эмас, балки халқ хўжалиги баланси (ХХБ) маълумотларига асосланилади.

2. Миллий бойлик таркибий қисмларини баҳолашда инфляциянинг таъсири турли даражада ҳисобга олинади: айрим ҳолларда асосий фондлар истеъмоли баланс усулида ҳисобга олинса, бошқаларида инфляция таъсири ҳисобга олинмайди.

3. Асосий фондлар таркибига фуқаролар уй-жойлари, хўжалик қурилмалари ва ёрдамчи хўжалик объектлари қиймати киритилмаган.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, муаллиф жаҳоннинг етакчи иқтисодчи олимлари, турли хил халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ статистика қўмитаси,

<sup>12</sup> Особенности воспроизводства национального богатства в начале XXI века. // Отв. ред. Нестеров Л. Институт экономики. –М.: Наука, 2006. -с. 12-13

Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва МХТнинг янги халқаро андозаларидаги тавсияларни умумлаштирган ҳолда миллий бойлик ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди:

1. Моддий ва номоддий активлар ҳамда жамғарилган бойликлар миқдори, таркиби, такрор ишлаб чиқарилиши, жорий даврдаги ҳолати ва улардан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

2. Табиий ресурслар ва шу каби бошқа инсон томонидан ишлаб чиқарилмайдиган активлар мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

3. Миллий бойликнинг бошқа барча активларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Сўнгги йилларда дунё олимлари миллий бойлик таркибий қисмларидан бири бўлган табиий ресурслар ҳажмини пулда баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, ушбу масалада муайян бир ягона тизим шаклланишича йўқ. Айнан ана шу муаммо Ўзбекистон статистика тизимида ҳам мавжуд. Яъни республика миллий бойлигининг асосий қисми табиий ресурслардан иборат бўлиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш масаласи **ҳозирги куннинг** энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилиш мавжуд табиий ресурслар захирасини аниқ баҳолаш, уларни ўзлаштириш ва фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бунинг учун муаллиф фикрича, статистик амалиётга табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиш самарадорлиги индексини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур индекс ҳақиқатда ўзлаштирилган табиий ресурслар қийматини уларнинг аниқланган (баланс) захираси қийматига нисбати орқали аниқланади.

$$TRU_{si} = TRQ_{hu} / TRQ_z \quad (1)^{13}$$

Бу ерда:  $TRU_{si}$  - табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиш самарадорлиги индекси;  $TRQ_{hu}$  - ҳақиқатда ўзлаштирилган табиий ресурслар қиймати;  $TRQ_z$  - табиий ресурсларнинг захира (аниқланган) қиймати.

Бунда “ўзлаштирилиш даражаси” аниқланган (баланс) захираларнинг ҳар хил категориялари (ўрганилган, потенциал, қазиб олиш мумкин бўлган ва ишлаб чиқариш эксплуатациясига тайёрланган) бўйича ҳам аниқланади. Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаш миллий бойлик реал ҳажмини аниқлаш ва уни таққослаш имконини беради.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича ресурслардан (потенциал ва ўзлаштирилган) фойдаланиш самарадорлигини қиёсий баҳолаш кўрсаткичлари 2019 йилда Россияда инсон ва табиий капитал (ресурслар)нинг фақатгина 10 фоиз (аҳоли жон бошига 40 минг доллар), АҚШда – 20 фоиз (аҳоли жон бошига 70 минг доллар),

---

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси



Ғарбий Европа давлатларида – 23 фоиз (аҳоли жон бошига 60 минг доллар), Яқин Шарқ мамлакатларида – 17 фоиз ўзлаштирилганлигини кўрсатади<sup>14</sup>.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Ўзбекистон миллий бойлигининг таркибий тузилиши ва унинг ўзгариш тенденциялари” деб номланган бўлиб, унда республика миллий бойлигининг капитал таркиби ва унинг ўзгариш динамикаси, табиий ресурслар захираларидаги ўзгаришлар, инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлиги каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий бойликнинг моддий таркибини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар берилган ва табиий-ресурс комплекси (ТРК) ҳамда унинг бир қатор макроиктисодий кўрсаткичларидаги улушини ифодаловчи индикаторлар тизими ишлаб чиқилган.

Миллий ҳисоблар тизимининг янги халқаро андозаларига (МХТ-2008 ва ЕМХТ-2010) мувофиқ иқтисодиёт ва унинг секторларида миллий бойлик кўрсаткичини ҳисоблаш учун активларнинг асосий таркибларини туркумлашнинг ягона андозасидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Унга кўра, иқтисодий активлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- “номолиявий ишлаб чиқариладиган активлар” (асосий капитал, моддий айланма воситалар захираси, ишлаб чиқарилмаган активлар);
- “номолиявий ишлаб чиқарилмайдиган активлар”: моддий ва номоддий (ер, ер ости бойликлари, табиий биологик ва ер ости сув ресурслари, кашфиётлардан фойдаланишга лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқи);
- “молиявий активлар” (олтин қўймалар, валюта, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар).

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва уй хўжаликлари ихтиёридаги жамғарилган узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарлар ҳам алоҳида ҳисобга олинади.

“Номолиявий ишлаб чиқариладиган активлар” иқтисодий фаолиятнинг асосий омили ва кишилар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг моддий асосини ташкил қилади. Уни иккита таркибий тузилмага ажратиш мумкин: (а) иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш фондлари; (б) аҳолининг жамғарилган мол-мулки. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш фондлари асосий (ишлаб чиқариш) ва айланма фондлар, тугалланмаган қурилиш ҳамда уй-жой фондларини ўз ичига олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикада такрор ишлаб чиқариладиган капитал таркибидаги ўзгаришлар тенденциясида сўнгги йилларда ижобий ҳолатлар кузатилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистонда такрор ишлаб чиқариладиган капитал таркиби (жамига нисбатан фоизда)<sup>15</sup>

Йиллар	Жами	Ишлаб чиқариш фондлари	Аҳолининг
--------	------	------------------------	-----------

<sup>14</sup> Б.Оберле, С.Брингезу, С.Хэтфилд-Доддс, С.Хеллвег, Х.Шандл Прогнозная оценка мирового ресурсного потенциала 2019. // Краткое изложение для руководителей. // [https://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/27518/GRO\\_2019\\_SPM\\_RU.pdf?sequence=5&isAllowed=y](https://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/27518/GRO_2019_SPM_RU.pdf?sequence=5&isAllowed=y)

<sup>15</sup> Ўзбекистонда асосий фондлар. Статистик тўплам: 2010-2012; 2012-2014; 2014-2016; 2016-2018 йиллар ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

		Асосий фондлар	Айланма активлар	Тугалланмаган қурилиш	Уй-жой фонди	жамғарилган мол-мулки
2010	100	66,8	19,7	6,4	4,6	2,5
2015	100	66,3	21,4	5,9	3,7	2,7
2016	100	66,1	21,7	5,7	3,4	3,1
2017	100	65,7	22,1	5,7	2,6	3,9
2018	100	65,2	22,6	6,1	1,9	4,2
2019	100	64,9	22,1	6,9	1,8	4,5
2020	100	64,7	21,8	7,2	1,6	4,7

3-жадвал маълумотлари 2010 йилда такрор ишлаб чиқариладиган капитал таркибида асосий фондлар 66,8, айланма активлар 19,7 ва аҳолининг жамғарилган мол-мулки 2,5 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу нисбат 2020 йилга келиб мос равишда 64,7; 21,8 ва 4,7 фоизга ўзгарган. Ушбу ҳолат республикада тадбиркорлик субъектларнинг айланма маблағлари ўсиши, натижада уй хўжалиги секторида жамғарма ҳажмининг ва бу эса, ўз навбатида, мамлакатда инвестицион фаолликнинг ошишига сабаб бўлганлигидан далолат беради.

МХТнинг янги халқаро андозаларида аҳоли томонидан жамғарилган мол-мулк миллий бойлик таркибига киритилган. Бироқ унинг қийматини ҳисобга олиш анча мураккаб жараён, чунки, аҳоли томонидан жамғарилган мол-мулк қийматини аниқлаш давлат статистика маълумотлари ҳамда бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш амалда қийин.

Шу боис диссертант фикрича, аҳоли томонидан жамғарилган мол-мулк қийматини миллий бойлик таркибида тўлиқ ҳисобга олиш учун “узлуксиз инвентаризация” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда бюджет ҳолати ва чакана товар айланмаси ҳажми ҳақидаги маълумотлар асосида аҳолининг узоқ муддат фойдаланадиган товарлар турини сотиб олишга қилган сарф-харажатлари суммасини аниқлаш лозим. Кейин ҳар бир товарлар гуруҳи бўйича мол-мулкнинг ўртача хизмат даври ўрнатилади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларининг йил охирига бўлган қийматини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мақсадга мувофиқ:

$$UIT=J+Y-Es \quad (2)^{16}$$

Бунда,  $UIT$  - узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларининг йил охирига бўлган қиймати;  $J$  - йил бошида жамғарилган мол-мулк қиймати;  $Y$  - янгидан харид қилинган мол-мулк қиймати;  $Es$  - эскириш суммаси (ўртача хизмат муддати бўйича фарқ қилувчи мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобланади). Шунингдек, МХТ услубияти бўйича асосий фондлар ва уй хўжалиги мол-мулки уларнинг эскириш суммаси чиқариб ташланиб, қайта тиклаш қиймати бўйича, моддий айланма воситалар эса, тўлиқ қайта тикланиш қийматида баҳоланиши зарур.

Ўзбекистон миллий ҳисобчилигига МХТ-2008 халқаро андозасининг жорий қилиниш муносабати билан республикада бир қатор макроиктисодий кўрсаткичлар билан бирга қайта тиклаш қиймати бўйича асосий фондлар миқдори

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси

ва улушини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам қайта ҳисоб-китоб қилинди. Унга кўра, республикада қайта тиклаш қиймати бўйича асосий фондлар таркибида 10 йил давомида жиддий ўзгаришлар кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

**Қайта тиклаш (бошланғич) қиймати бўйича асосий фондлар (йил охирига нисбатан фоизда)<sup>17</sup>**

	2010 й.		2015 й.		2016 й.	
	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда
<b>Асосий фондлар, жами</b>	<b>87,0</b>	<b>100</b>	<b>201,7</b>	<b>100</b>	<b>254,6</b>	<b>100</b>
<i>Шу жумладан</i>						
Товар ишлаб чиқарувчи тармоқнинг асосий фондлари	48,1	55,3	103,1	51,1	128,3	50,4
Хизмат кўрсатувчи тармоқнинг асосий фондлари	38,9	44,7	98,6	48,9	126,3	49,6
	2017 й.		2018 й.		2020 й.	
	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда	трлн. сўм	Жамига нисбатан фоизда
<b>Асосий фондлар, жами</b>	<b>309,7</b>	<b>100</b>	<b>705,0</b>	<b>100</b>	<b>996,9</b>	<b>100</b>
<i>Шу жумладан</i>						
Товар ишлаб чиқарувчи тармоқнинг асосий фондлари	157,1	50,7	226,7	32,2	307,1	30,8
Хизмат кўрсатувчи тармоқнинг асосий фондлари	152,6	49,3	478,3	67,8	689,8	69,2

4-жадвал маълумотлари республикада жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзига хослик, яъни, хизмат кўрсатиш соҳаларининг устуворлиги яққол кўринади. Чунки, мамлакатда иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш тармоғидаги қайта тиклаш қиймати бўйича асосий фондлар жамига нисбатан деярли 70 фоизини ташкил қилмоқда.

Мамлакат миллий бойлиги ҳажмини оширишда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларидаги асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши жуда катта роль ўйнайди. У иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг жадаллашишига туртки бўлади. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам мазкур масалага давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар республикада иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида асосий капитал ялпи жамғарилиши, унинг ўсиш суръатлари ва ЯИМдаги салмоғи йилдан-йилга ижобий ўзгариш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

**Ўзбекистонда асосий капитал (фондлар) ялпи жамғармаси<sup>18</sup>**

<sup>17</sup> Ўзбекистонда асосий фондлар. Статистик тўплам: 2010-2012; 2012-2014; 2014-2016; 2016-2018 йиллар ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://stat.uz/uz/2-uncategorised/6588-milliy-hisoblar2>

Кўрсаткичлар	Йиллар						
